

А Ж Р И М

(ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақида)

2025 йил 11 декабрь куни Жиноят ишлари бўйича Касби туман судининг биносида, очиқ суд мажлиси, суд раиси Ш.Нурматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Розиқовнинг котиблигида, Касби туман прокурори ёрдамчиси С.Авазов, Миришкор туман ИИО Пробация гуруҳи вакили Н.Бозаровнинг иштирокида, маҳкум Пардаев Мирахмад Дустқобилович ни ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги Миришкор туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини кўриб чиқиб, суд қўйидагиларни

а н и қ л а д и:

Пардаев Мирахмад Дустқобилович - 1983 йил 1 июлда Қамаша туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, муқаддам

ЖИБ Касби туман судининг 2016 йил 20 июлдаги ҳукмига кўра, ЖК 266-моддаси 2-қисми билан айбли топилиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖК 72-моддаси қўлланиб, 2 йил синов муддати белгиланган,

ЖИБ Миришкор туман судининг 2016 йил 23 ноябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги "...амнистия тўғрисида"ги қарорининг 2-бардига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосидан озод қилинган,

ЖИБ Косон туман судининг 2017 йил 5 июндаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 2-қисми "в" банди билан айбли топилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

ЖИБ Муборак туман судининг 2021 йил 23 августдаги ҳукми кўра, ЖК 167-моддаси 3-қисми "а" банди ва 228-моддаси 1-қисми билан айбли топилиб, ЖК 45,59,62-моддаларига асосан 2 йил давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 3 ой 12 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, Миришкор туманидаги "Vater drip 777" МЧЖда ишчи, Миришкор туман "Бохористон" МФЙда яшайди.

Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2022 йил 12 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖК 167-моддаси 3-қисми "а" банди ва 228-



моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖК 45,59,62,59-моддаси 8-қисмига асосан, 1 йил 3 ой давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Қамаши туман судининг 2024 йил 3 июндаги ажримига кўра, ЖК 74-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ўталмаган 3 йил 1 ой 13 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

М.Пардаев 2024 йил 11 июнь куни Миришкор туман ИИО Пробация ҳисобига олинган, жазони ўташ 2022 йил 16 майдан бошланган.

Миришкор туман ИИБ бошлиғи томонидан киритилган тақдимномада, маҳкум М.Пардаев ахлоқан тузалиш йўлига ўтганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, қилмишидан тегишли хулоса чиқарганлигини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан унга тайинланган жазосини ўталмай қолган қисмидан озод қилишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисми “б” бандига оғир жинояти учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини “ўтаб бўлганида” жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш мумкинлиги белгиланган.

М.Пардаев тайинланган жазони 3 йил 6 ой 16 кунини тўлиқ ўтаган.

Ўталмай қолган жазо муддати 2 йил 5 ой 14 кунни ташкил қилади.

Иш ҳужжатларига кўра, М.Пардаев суд томонидан тайинланган жазони ўташ давомида содир этган жиноятдан пушаймон бўлиб, қилмишидан тегишли хулоса чиқариб, жазони ўташда ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажариб келган.

Суд, М.Пардаев тайинланган жазони ярмини ўтаганлигини, ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлиги ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлигини инобатга олиб, тақдимномани қаноатлантириб, М.Пардаевни Жиноят кодекси (эски тахрирдаги) 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган қисмидан муддатидан илгари шартли озод қилишни, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганида, ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланишини тушунтиришни лозим топди.

Баён қилинганларга кўра ва ЖПКнинг 423-моддасига қўлланиб, суд



а ж р и м қ и л д и :

Миришкор туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2022 йил 12 октябрдаги ҳукмига кўра, жазо ўтаётган маҳкум Пардаев Мирахмад Дустқобилович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (эски тахрирдаги) 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ўталмаган 2 йил 5 ой 14 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганида ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши тушунтирилсин.

Ажрим ижро қилиш учун Миришкор туман ИИБга юборилсин.

Ажримдан норози тарафлар шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибда шикоят ёки прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Ш.Нурматов

